



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 майдаги тегишли фармони билан маданият, санъат ва адабиёт соҳалари ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

1 июнь кўни пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида ушбу мукофотларни тантанали топишириш маросими бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мукофот соҳибларига faxрий унвонлар, орден ва медалларни тантанали равишда топишди.

Қўйидаги QR код орқали
давлат мукофотларини
тантанали топириш маросими
билан батафсил танишинг:



СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ МИҚЁСЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 1 июнь кўни маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашув ўтказди.

Унда адабиёт, маданият ва санъат намояндалари, шоир ва ёзувчилар, актёр, драматург ва режиссёрлар, кўшиқчи, созанда ва композиторлар, рассом, ҳайкалтарош, хунармандлар, санъатшунос олимлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари соҳа вакиллари билан самимий мулоқот қилди, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини тинглади.

Қўйидаги QR код орқали
учрашув тафсилотлари
билан батафсил
танишинг:



Ishonch.uz telegram
kanaliga ўting va
batafsil taniшинг:



**Ўзбекистон – Канада:
миллий терма
жамоамиз майдонга
оқ либосда чиқади**

**1 июндан кучга кирган
тадбиркорликка оид
ўзгаришлардан хабардормисиз?**



Ishonch.uz telegram
kanaliga ўting va
batafsil taniшинг:

95 МИЛЛИОН СЎМ ҚАРЗ ҚАНДАЙ УНДИРИЛДИ?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, «Гулистон» МФЙда яшовчи Озода Саидовадан мурожаат келиб тушди.

Маълум бўлишича, суд қарорига асосан, аёلнинг собиқ турмуш ўртоғи О.Муродов зиммасига вояга етмаган фарзанди учун алимент тўлаш мажбурияти юклатилган. Бироқ у узоқ йиллар давомида белгиланган маблағни тўла-масдан келган.

2019 йилда Мажбурий ижро бюроси томонидан ижро иши қўзғатилиб, қарздор бир неча бор оғохлантирилган. Шунингдек, унинг чет элга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган. Масъул

идоралар томонидан қарздорнинг мол-мулкни аниқлаш чоралари ҳам кўрилган. Аммо унинг номида расмий мол-мулк топилмаган.

Тўлов амалга оширилавермагач, алимент қарзи тобора кўпайиб борган. 2023 йилга келиб, 81 миллион сўмдан ошган. Бу ҳолатдан кейин унга нисбатан маъмурий чора кўрилган ва 15 суткага қамоқ жазоси тайинланган. Бироқ бу ҳам тегишли хулоса чиқариш учун етарли бўлмаган. Қарздор алимент тўлов-

ларини амалга оширмагани сабабли қарз миқдори янада ортиб, қарийб 95,5 миллион сўмга етган. Оқибатда жиноят ишлари бўйича Яқкабоғ тумани суди томонидан унга 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Мурожаатни ўрганиш давомида қарздор О.Муродовдан ундирилиши лозим бўлган 95 487 828 сўм алимент пуллари Мажбурий ижро бюросининг жамғарма фондидан Озода Саидованинг пластик картасига ўтказиб берилди.

Баҳодир
БАҲРОМОВ

1211

эшилтади...

ВИЖДОННИ УЙЎТТАН ҚЎНҒИРОҚ

ларни илти олмади. Охир-оқибат ушбу кескинлик ажрим билан якунланди.

Маълумки, оиланинг бузилиши турли ташвиш ва мураккабликларни келтириб чиқаради. Дилбар Зокирова учун эса бу жараён икки ҳисса оғир кечди. Боиси собиқ турмуш ўртоғи фарзанди таъминоти учун алимент тўлашдан бўйин товлади. Шу сабабли аёл 2023 йилда судга мурожаат қилди. Бироқ суд қарори қутилгандек ижро этилмади.

Она сўнгги икки йил давомида алимент пуллари ололмай сарсон бўлди.

Ҳолат юзасидан мажбурий ижро бюросига қилинган мурожаатлар ҳам натижа бермади. Чорасиз қолган аёл танишларининг маслаҳати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, ёрдам сўради.

Шундан сўнг 2 йиллик муаммо қисқа муддатда ўз ечимини топиб, Дилбар Зокировага 25 миллион 472 минг сўмлик алимент пуллари ундириб берилди.

Тўғри, бугун қонун устуворлиги

таъминланиб, боланинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди. Бироқ масаланинг бошқа оғриқли томони бор: ўз фарзанди таъминотидан қочиб, мажбуриятни фақатгина «Ишонч телефони» аралашуви билан бажарган отанинг виждони қачон уйғонади? Ахир, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш, уни моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш отанинг ҳам бурчи эмасми?

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

2026-йил,
2-июнь,
сешанба
№64
(5284)

Меҳр ифодаси

БОЛАЛАР КУЛГИСИГА ТЎЛСИН БУ ОЛАМ

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Миллий гвардия ҳамкорлигида болажонлар учун байрам тадбири ташкил этилди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида ўтказилган тантанавий Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сир-вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда Оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, ҳалок бўл-

ган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари жам бўлдилар. 500 нафар болажон учун «Супер Қорасоч» номли ажойиб концерт дастури намойиш этилди.

Шу кўни сарой қувонч, кулги ва беғубор орзулар масканига айланди. Улар ўзла-

рини эътибор ва ғамхўрлик оғушида эканликларини ҳис этишди. Муҳташам холл ҳақиқий болалар шаҳарчасини эслатди, унинг ҳар бир бурчагида шодон овозлар эшитилди, қувончли чехралар ва порлок нигоҳлар акс этди. Ушбу тадбир унутилмас

дамлар сифатида болажонларнинг хотираларига бир умрга муҳрланди.

Гулрухбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»
Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

Касаба уюшмаси аралашгач...

Навий давлат қончилиги ва технологиялар университетининг Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси Хусан Бобоноров иш берувчининг буйруғи асосида ишдан бўшатилди. У мазкур буйруқни асоссиз ва қонунга зид деб ҳисоблади ҳамда ҳуқуқий кўмак сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашига мурожаат қилди.

ҚОНУНГА ЗИД БУЙРУҚ ҚИММАТГА ТУШДИ

Ўрганишлар жараёнида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 161-моддаси талаблари қўпол равишда бузилгани маълум бўлди. Касаба уюшмаси томонидан иш берувчи вакиллари билан олиб борилган музокараларда ходимни ишга тиклаш зарурлиги тушунтирилди. Бироқ муроасага эришилмади. Шундан сўнг низо суд тартибиде кўриб чиқиладиган бўлди.

Судда иш берувчи томонидан хизмат текшируви ўтказишда ҳам қонун талабларига амал қилинмагани маълум бўлди. Энг муҳими, Хусан Бобоноров меҳнатга лаёқатсизлик даврида ишдан бўшатилгани аниқланди. Ҳолбуки, амалдаги меҳнат қончилигига кўра, ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлган даврда уни ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди.

Шу тариқа суд университет раҳбарияти буйруғини ғайриқонуний деб топди ҳамда Хусан Бобоноровни ўз вазифасига тиклаш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Бундан ташқари, ходим фойдасига мажбурий бекор юрган кўнлар учун 23 миллион 977 минг сўм иш ҳақи ҳамда 5 миллион сўм маънавий зарар ундирилиши лозимлигини белгилади.

Алишер РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Асл исми Муқимжон, аммо собиқ қишлоқ шўраси идораси (сельсовет)даги чаласавод ходим тугилганлик тўғрисидаги маълумот-номамга «Мукомджон» деб ёзган. Паспортадигиси ҳам шундай. Шу боис тўғрич қизимнинг ҳужжатларида исм-шарифи «Лола Мукомджановна» деб қайд этилди. Иسمى ва қизимнинг исм-шарифини ўзгартирсам бўладими? Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Муқимжон МУСОМОВ
Жиззах вилояти

ИСМИМДАГИ ХАТОНИ ТУЗАТСАМ БЎЛАДИМИ?

ЖАВОБ: «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, миллатидан қатъи назар, ўз исми, отасининг исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар шахснинг фамилияси, исми ва ота исмида имло-вий хатоликлар мавжуд бўлса, ота-онасининг хоҳишига кўра, боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви бу хатоликлар бартараф этилган ҳолда қайта қайд қилиниши мумкин.

Шунингдек, боланинг фамилиясига «ев», «ов», «ева», «ова», «ий», «хон», «хўжа», «хожи», «бею», «зода», «мир», «абду» ҳамда ота исмига «евич», «ович», «евна», «овна», «қизи», «ўғли», «ий», «хон», «хўжа», «хожи», «бею», «зода», «мир», «абду» каби қўшимчаларни киритиш ёки фамилия ва ота исмидан олиб ташлаш орқали туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин.

Қизингиз Лоланинг ота исмини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, келгусида унинг ота исмини Муқимжонова деб ёзилишига мажбур эмасиз, истагингизга кўра, «овна» қўшимчасини олиб ташлаб, Лола Муқимжон қизи деб ёздиршингиз мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида»ги низомага мувофиқ, jisмоний ва юридик шахсларга фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш ФХДБ органларининг вазифаси этиб белгиланган бўлиб, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш мажбур орган функциясига кирази.

Демак, ўзингизни қизиқтираётган масалалар юзасидан ҳудудий фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДБ) органига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур, Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Алишер Навоий

Мулоқот



ЁШЛАР ТАКЛИФЛАРИ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, бандлигини таъминлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинаётган «Раҳбар ва ёшлар» учрашувларида мана шу масалаларга жиддий эътибор берилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Хоразм вилояти бошқармасида бўлиб ўтган учрашув ҳам ҳар жиҳатдан қизиқарли кечди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исмоилов ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси Шокир Алламбергенов иштирокчиларга мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ

лоқот давомида жамоа шартномаларида ёш ходимлар учун назарда тутилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар, меҳнат ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан тушунчалар берилди. Шунингдек, касаба уюшмалари томонидан ёшлар учун ташкил этилаётган саёҳатлар, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ва турли акцияларда иштирок этиш имкониятлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, таклиф ва ташаббусларини билдирдилар.

Хурсанд САТТОРОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими мудири

БИЛИМ ВА КўНИКМАЛАР БОЙИТИЛДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашида ўтган йили сайланган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда вилоятнинг турли тармоқ ва ташкилотларида фаолият юритаётган юз нафарга яқин касаба уюшмаси қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Ўқув-семинар дастуридан «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини талаблар асосида йўлга қўйиш, жамоа шартномаларини тузиш тартиби, ходимлар учун йўлланмалар ажратиш механизми, jisмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш каби муҳим мавзулар ўрин олди.

Мутахассислар томонидан амалий мисоллар асосида таёрланган маърузалар иштирокчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилди. Бу янги сайланган раислар масъулиятини ошириш, меҳнат жамоаларида соғлом ижтимоий муҳитни таъминлаш ҳамда ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

– Янги раис сифатида жамоа шартномаларини тузиш ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб-қувватларга эга бўлдим, – дейди Марғилон шаҳридаги 9-болаблар мусика ва санъат мактаби етакчиси Осиёхон Мадаминова.

Семинарда иштирокчиларга касаба уюшмалари фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, ҳужжатлар билан ишлаш маданиятини шакллантириш ва жамоалар билан самарали мулоқот олиб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Раҳматжон НИЁЗОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири



Орамиздаги одамлар

ЭЗГУЛИК ЙўЛИДАГИ АЁЛ

Тонг ёришганида, баъзи инсонлар учун кун аллақачон бошланган бўлади. Кимлардир ҳали уйқуда, кимлардир эса орзулар сари ҳаракатда...

Дилором Юсупова учун ҳаёт – масъулият ва одамлар ташвиши билан ўтадиган узун йўл.

У касаба уюшмаларига иш излаб эмас, қалб амри билан келган эди. Балки қисмат уни шу йўлга бошлагандир. Инсон тақдири билан боғлиқ ишда фақат билим эмас, меҳр ҳам асқатади.

...Бундан чорак аср муқаддам Дилором бу даргоҳга илк қадам қўйганида, кўнглида ҳаяжон, кўзларида орзу бор эди. Унга илк сабоқларни меҳнат фахрийси, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган тажрибали устоз Майсара Саъдуллаева берди. Устоз шогирдига бир куни шундай деган эди:

– Қизим, бу соҳада рақам эмас, инсон қадри устувор. Биз тақдирлар билан ишлаймиз.

Бу гап Дилоромнинг бир умрлик шиорига айланди. Солиқ тизими бўйича таълим олган қиз хоҳласа, сокин кабинетда ишлаб, ҳужжатлар билан банд бўлиб, тинчгина ҳаёт кечириши мумкин эди. Аммо унинг фитрати бошқача эди. У одамлар орасида юриб, уларнинг муаммоларини тинглашни ва дардларига малҳам бўлишни истарди.

Фаолиятининг илк йиллари бозор иқтисодиёти одамлар ҳаётини синювдан ўтказаятган огир паллага тўғри келди. Кўпчилик эртанги кунга ишонч билан қарай олмас, айрим тадбиркорлар эса касаба уюшмасини ортиқча ташвиш деб биларди. Ходим манфаати ҳақида ўйлашга вақт ҳам, хоҳиш ҳам топмайдиганлар оз эмасди.

Дилором эса туманма-туман, корхонама-корхона юрарди. Уни қўлида ҳужжат тўла жилд билан гоҳ чанг босган қишлоқ йўлларида, гоҳ одам гавжум бозорларда учратиш мумкин эди. Ҳар бир учрашувга, ҳар бир мулоқотга битта оддий, аммо олтинга тенг ҳақиқатни олиб кирди: «Ишчи рози бўлса – ишда унум, тадбирда барака бўлади».

Баъзан уни эшитишмасди. «Бунинг нима кераги бор?» деган совуқ муносабатларга ҳам дуч келарди. Аммо у чекинмасди. Дилором яхши билардики, меҳнаткаш инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи ҳимоя қилинмаган жойда адолат бўлмайди.

– Одамлар барча даврларда касаба уюшмаларига суянган, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси Ташкилий бўлим мутахассиси Дилором Юсупова. – Чунки инсон қайси соҳада ишлагансин, аввало, эътибор ва ҳимояга муҳтож.

Йиллар ўтди. Янгиликлар кўп бўлди. Номлар, тузилмалар алмашди. Аммо ишчи-ходимларга хизмат қилишдек улуг мақсад ўзгармади. Бир вақтлар 19 минг аъзони бирлаштирган тармоқ бутун минглаб инсонларнинг ишонч масканига айланди. Юзлаб янги бошланғич ташкилотлар тузилди. Бу рақамлар ортида эса тиним билмас инсонлар меҳнати ётибди.

Қўмита раиси Бобир Алиев ўтган йилларни эслар экан, шундай дейди:

– Оғир даврлар ортда қолди. Айрим жойларда ойлик «кон-верт»да бериларди, одамлар эртанги пенсиясини нақд пулда олишни орзу қиларди. Маош тўлаш ойдан ойга чўзилиб кетарди.

Ўша дамларда Дилором шундай корхоналарга қайта-қайта борди. Тушунтирди, исбот қилди, керак бўлса, баҳслашди. Унинг меҳнатчи билан кўп жойда адолат қарор топди.

Касаба уюшмаси фаоли ҳаётида одамлар тақдири билан боғлиқ бундай воқеалар жуда кўп. Бир куни Пахтачи туманидан тушган мурожаат уни анча ўйлаттирди. Ободонлаштириш бўлимида ишловчи ёрдамчи ҳисобчи аёл меҳнат можаросидан чарчаган, адолат излаб келган эди.

Тармоқ касаба уюшмалари вакиллари уни охиригача тинглашди. Кейин иш берувчи билан учрашув бўлди. Узоқ суҳбатлар, тушунтиришлар, муроа йўллари... Ниҳоят, можаро тинч йўл билан ҳал бўлди. Ўша куни ҳалиги аёлнинг кўзларида ёш қалқди.

– У инсонлар билан тез тил топишади, – дейди устози Майсара Саъдуллаева. – Оғир гапни ҳам мулоимлик билан етказса олади. Шунинг учун кўп масалалар судгача етиб бормайди.

2024 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Дилором Юсупова «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди. Мукофотни оларкан, эҳтимол, унинг кўз олдидан йиллар давомида босиб ўтилган йўллар, учрашувлар, мурожаатлар ва одамларнинг миннатдор нигоҳлари бир-бир ўтган бўлса, ажабмас.

...Қайсидир туманда яна бир ходим ёрдам қутяпти. Қайсидир корхонада ходим билан боғлиқ муаммога ечим изланяпти. Дилором Юсупова эса яна йўлда... Ўша ўзи танлаган, матонат ва шарафга йўғрилган эзгулик йўлида давом этмоқда.

Нурбек ФАХРИДДИНОВ

ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Узун тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тизимида бугунги кунда 108 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Улар таркибига 71 та умумтаълим мактаби, 33 та мактабгача таълим ташкилоти, ихтисослаштирилган мактаб, педагогика коллежи, «Келажак маркази» ҳамда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими касаба уюшмалари киради. Жами 6626 нафар ходимни бирлаштирган тизимда 4371 нафар хотин-қиз ва 1326 нафар ёш мутахассис меҳнат қилмоқда.

2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси ижроси доирасида таълим муассасаларида муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, инфра-тузилмани яхшилаш ва педагоглар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишлар бажарилди. Хусусан, 7-умумтаълим мактабининг 140 ўринли биноси 560 миллион сўмлик маблағ эвазига мукаммал таъмирланди. 18-умумтаълим мактабини таъмирлаш учун 1,6 миллиард сўм йўналтирилди.

Йиллар давомида етарли эътибор қаратилмаган 47-умумтаълим мактаби ҳам 2 миллиард 350 миллион сўм миқдоридagi маблағ ҳисобидан тубдан реконструкция қилиниб, замонавий кўриниш касб этди. 57-умумтаълим мактаби учун ҳам шунча маблағ сарфланиб, 180 ўринли янги қиёфадаги ўқув маскани барпо этилди. 43- ҳамда 66-умумтаълим мактабларида эса спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар учун қарий 4 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Замонавий таълим муҳитини шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаблари 4 миллиард 92 миллион сўмлик электрон доскалар билан жиҳозланди.

Мактабгача таълим қамровини кенгайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 20-мактабгача таълим ташкилоти 15 ўринга кенгайтирилиб, 90 ўринли муассасага айлантирилди. Бунинг учун 3 миллиард 146 миллион сўм маблағ сарфланди. «Саховат» маҳалласида эса 4,7 миллиард сўм эвазига янги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Таълим муассасаларида ходимларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ишларига 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

«Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида спорт мусобақалари, мустақиллик байрами муносабати билан анъанавий спартакиада ўтказилди. Голиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ушбу тадбирларга 854 миллион сўм сарфланди.

Ўтган йили иш ҳақи, нафақа, касалик varaқаси, моддий ёрдам, санаторий йўлланмалари ва меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ 23 та ёзма ва 136 та оғзаки мурожаат келиб тушди. Ўрганишлар натижасида 86 та мурожаат ижо-

бий ҳал этилди, 73 нафар мурожаатчига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

2025 йилги ёз мавсумида 128 нафар ходимнинг фарзандлари «Жануб гавҳари», «Хонжиза» ва «Амударё» болалар оромгоҳларида имтиёзли дам олдирилди. Шу билан бирга, 78 нафар ходим учун Тошкент, Самарқанд ва Зоминга саёҳатлар ташкил этилди. Иш берувчилар ва ҳомийлар қўмағида 1200 нафардан ортиқ ходимлар Самарқанд, Бухоро, Хоразм ҳамда воҳанинг диққатга сазовор қадамжоларига саёҳат ва зиёратларга жалб этилдилар.

Жамоа шартномалари орқали 215 нафар ходимга, жумладан, 34 нафар пенсия ёшидаги фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. 3 ёшгача бола парварishi билан банд 19 нафар ёш она қўллаб-қувватланди. Шунингдек, 100 нафар ногиронлиги бўлган ходим, 100 нафар кам таъминланган оила ва 120 нафар ёш оилага озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

50 нафар фахрий ва 420 нафар хизматчи турли эсдалик совғалари билан тақдирланди. Жамоа шартномалари асосида 3254 нафар ходим моддий рағбатлантирилди.

Тизимда амалга ошириляётган кент қўламли ишлар таълим ходимларининг меҳнат шарoитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва касаба уюшмаларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Зайниддин ШЕРАЛИЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Узун тумани кенгаши раиси

Қўлланма

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДА ЯНГИ ТАШАББУС

Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўтган йили тизим корхона-ташкilotларида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар бўйича мониторинг ва таҳлил ишларини олиб борди.

Ўрганишлар меҳнатни хавфсиз ташкил этиш соҳасида бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Нохуш ҳолатларнинг салмоқли қисми электр токи таъсири, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талаблари бузилиши билан ҳам изоҳланади. Шунингдек, бунга назоратнинг етарли эмаслиги, йўриқномаларни расмий тарзда ўтказиш ҳамда белгиланган қоидаларга риоя этмаслик ҳам сабаб бўлади.

Юқоридаги ҳодисалар электромониторлар учун махсус эслатма китобчаси ишлаб чиқишга туртки берди. Ҳужжат тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Эслатма китобча электр қурилмаларида хавфсиз ишлашнинг асосий талабларини, иш бошлагандан олдин ташкилий ҳамда техник қоидалар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, қучланиш остидаги ток узатувчи қисмларга яқинлашиш масофалари, шунингдек, профилактик чора-тадбирлар рўйхатини ўз ичига олади. Улар қисқа ва тушунарли шаклда баён этилган бўлиб, бу иш жараёнида тезкор фойдаланиш имконини беради. Унинг амалий аҳамияти реал ишлаб чиқариш шарoитларига мослаштирилганлигида намоён бўлиб, қундалик фаолиятда, ходимларни ўқитиш ва билимларини текшириш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Касаба уюшмаси ва назорат органи ҳамкорлигида яратилган эслатма китобча ишлаб чиқаришдаги хавф-хатарларни сезиларли даражада камайтиришга, ходимларнинг ҳаёти ҳамда соғлигини сақлашга хизмат қилади.

Дилдора БАРАТОВА,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

Одамларнинг ботири келажакдаги ишлардан қўрқмайди.
Камолот ҳосил қилишдан четланган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.
Абу Али ибн Сино

РАҚАМЛИ ДАВРДА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАСИ

Киберхужумлар бугун миллионлаб инсонларнинг шахсий ҳаёти, молиявий хавфсизлиги ва давлатларнинг рақамли суверенитетига таҳдид солаётган глобал хавфга айланди. Мамлакатимизда сўнгги пайтларда кузатилаётган воқеалар ҳам бу таҳдидлар нақадар жиддий тус олаётганини яққол намоён этмоқда.

Яқинда ҳукуматнинг электрон тизимларига уюштирилган йирик киберхужум оқибатида тахминан 15 миллион фуқаронинг шахсий маълумотлари даркнет платформаларига сизиб чиққани ҳақидаги хабарлар жамоатчиликда жиддий хавотир уйғотди. Бу ҳолат нафақат ахборот хавфсизлиги, балки инсон ҳуқуқлари, иқтисодий барқарорлик ва жамият ишончи билан боғлиқ мураккаб саволларни ҳам кун тартибига қўйди.

Кейинги пайтларда деярли ҳар куни киберфирибгарлик қурбонига айланган юртдошларимизнинг арзлари қулоққа чалиняпти. Кимнингдир банк картасидан ноқонуний равишда маблағ ечиб олиняпти, бошқасининг номига онлайн кредит расмийлаштириляпти. Фуқаролар эса шахсий маълумотлари қаердан тарқалганини билолмай ҳалак.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, замонавий киберкиноятчилик оддий фирибгарлик доирасидан аллақачон чиқиб кетган. Жумладан, сунъий интеллект, автоматлаштирилган дастурлар, deepfake технологиялари ва крипто-активлар орқали амалга оширилаётган жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими олдига мутлақо янги вазифаларни қўймоқда.

Айнан шу масалалар муҳокамасига бағиш-



лаб «Tashkent Cyberlex – 2026» – «Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда ҳуқуқий таълимни трансформация қилиш, киберхуқуқ, криминалистика, рақамли тергов, криптоактивлар, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш ҳамда сунъий интеллектдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва одил судлов тизимида фойдаланишнинг ҳуқуқий ва

ахлоқий чегаралари кенг муҳокама қилинди. Рақамли далиллар билан ишлаш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва давлатларнинг киберхавфсизлик соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги форумнинг энг долзарб мавзулари сифатида тилга олинди.

– Сунъий интеллект инсон ҳаётининг барча соҳаларини тез суръатлар билан забт этмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев. – Ўз навбатида, киб

ервожланиши мамлакатлар ҳамда жамиятлар таракқиётига тобора кучли таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш ниҳоятда мураккаб вазифа ҳисобланади. Президентимиз илгари сурган ташаббуслар асосида киберхавфсизлик соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, замонавий мутахассисларни тайёрлаш ва тезкор ахборот алмашинуви тизимини ривож-

Долзарб мавзу

Бугун Самарқанд шаҳри яна «Ер юзининг сайқали»га айланмоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан келатган сайёҳлар сони йил сайин ошиб бораётгани фикримиз далилидир. Ўртимизнинг бой тарихи, бетакрор меъморий обидалари ва асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларига бўлган қизиқиш тобора кучаяётган, хорижлик сайёҳлар бу шаҳарни нафақат қадимий кент, балки буюк цивилизация, юксак маданият ва ноёб анъаналар бешиги сифатида кашф этаётган бир паллада уларга ўтмишни қандай ҳикоя қилмоқдамиз? Тўғрироғи, гид-таржимонлар қандай сўзлаб бермоқда?

ҚАЧОН МАЛАКАЛИ ГИДЛАРГА ЁЛЧИЙМИЗ?



...Яқинда хориждан келган бир гуруҳ журналист ва зиёлилар билан икки нафар гид-таржимон ҳамроҳлигида Имом Бухорий зиёратгоҳи сари отландик. Йўл-йўлакай тилмочларимиз Самарқанднинг ўтмиши, меъморий ёдгорликлари, чор атрофда ободонлаштирилаётган зиёратгоҳлар хусусида «ҳикоя» қилиб кетишди. Гапнинг очиги, тарихимизнинг улар талқинидаги таърифидан нафақат мезбонлар, балки ўтмишдан боҳабар меҳмонлар ҳам хижолат тортиб қолишди. Шу боис ярим йўлда гид-таржимон (у сертификатини рўқас қилса-да) хизматидан воз кечишга тўғри келди...

– Туризм миллий иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларидан бирига айланиб бормоқда, – дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, музейшуноҳ Маҳмудхон Юнусов. – Тармоқ истиқболлини таъминлашда гидлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланади. Аммо ҳали ҳам мамлакатимиз тарихи, халқларимиз маданияти, этнографияси бўйича муфассал тушунча бера оладиган гидларга эҳтиёж катталигича қолмоқда. Ачинарлиси, соҳанинг айрим вакиллари томонидан асоссиз маълумотларга таяниш ҳолати барҳам топганича йўқ. Масалан, Регистон майдонидан бир неча чақирим нарида жойлашган иншоот гидлар томонидан гоҳ «Ишратхона», гоҳ «Ашратхона» дея талқин этиб келинади. Ваҳоланки, бу меъморий ёдгорлик, тарихий манбаларга кўра, теурий ҳукмдор Абу Саид Мирзонинг рафиқаси Ҳабиба Султонбегим томонидан қизи Султон Ховад Бека оқо учун бунёд эттирилган. Сулолавий ёки оилавий дафн мажмуасининг ноқоноиз номлар билан аталишини эса асло оқлаб бўлмайди.

Яна бир ҳолат. Бибиҳоним мадрасаси рўпарасидаги масжид гидлар томонидан «Бибиҳоним жоме масжиди» дея таърифланмоқда. Аслида бу иншоот «Амир Темур жоме масжиди» деб аталиши керак.

Маҳмудхон Юнусов бу ҳақда ўзининг ижтимоий тармоқлардаги «Қайси бири

тўғри: Амир Темур масжидими ёки Бибиҳоним масжиди?» сарлавҳали мақоласида муфассал тушунча берган.

Шунингдек, Сиеб канали ёқасида жойлашган, халқ орасида «Дониёл пайғамбар қабри» дея юритилувчи мақбара ҳақидаги афсонанинг Амир Темур билан боғлиқлиги нечоғлиқ ҳақиқатга яқин экани «Хўжа Дониёрми ёки Дониёл пайғамбар?» сарлавҳали рисолада тарихий фактлар асосида исботлаб берган. Аммо бу жойда ҳам айрим гидлар томонидан сайёҳларга етказилаётган чўпчаклар ҳеч қандай асосга эга эмас.

– Регистон ансамбли дирекцияси ташаббуси билан айнан гид-таржимонлар учун амалий қўлланма сифатида «Самарқанд ёдгорликлари» тўплами нашр этилди, – дейди Маҳмудхон Юнусов. – Ўша китобда тадиққотчи олимлар, музейшуносларнинг ўлкадаги осори-атиқаларнинг бунёд этилишидан тортиб, номланиши ва таъриф берилишигача муҳим маълумотлар ўрин олган. Бундан ташқари, Самарқанд давлат университети, Туризм университети, Археология институти тадиққотчи олимлари томонидан «Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари» рисоласи чоп этилган.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, худуд миқёсида фаолият юритаётган гид-таржимонлар фойдаланадиган манбалар етарли. Фақат улардан тўғри фойдаланиш масаласига эътибор қаратилмаяпти.

Самарқандда расмий манбаларда маляка гувоҳномасига эга гид-таржимонлар сони 800 нафарни қоралаш қайд этилса-да, охириги йиллардаги аниқ сони хусусида очик статистика мавжуд эмас. Негаки, 2020 йилдан гид мутахассислар ҳам ўзини ўзи билан қилганлар тоифасига киритилган. Натижада Россия, Корея ва бошқа ўлкаларда ишлаб, тилин муайян даражада ўзлаштириб олган айрим фуқаролар таржимонлик гувоҳномаси олишга эришган. Уларнинг аксарияти бу соҳада етарлича маълумотга эга бўлмасдан, турли ресурслардан олинган маълумотлар

асосида гидлик қилаётганлигидан қўз юмиб бўлмайди. Шу билан бирга, кейинги вақтларда темир йўл вокзали, аэропорт ва автовокзалларда сайёҳларни кутиб олиб, уларни ўз билганича айлантириб юрган «учар» гидлар ҳам қўпайиб бораётганини тан олиш керак.

– Асосий муаммо шундаки, айни вақтгача гид-таржимон тайёрлашнинг ягона ўқув дастури ишлаб чиқилмаган, – дейди Маҳмудхон Юнусов. – Шу боис уларнинг малакаси бўйича жиддий имтиҳонлар ташкил этилиб, фаолияти юзасидан вақти-вақти билан ўрганишлар олиб борилиши, касбий малакаси баҳолалиши лозим, деб ўйлайман.

Ўрганишларда вилоятдаги бирорта музей ёки ёдгорлик мажмуаларида расмий машошга ишловчи гид-таржимон штатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Фақатгина айрим музейлар ва меъморий обидалар, жумладан, Регистон ансамбли тажрибали гидлар хизматидан шартнома асосида фойдаланиб келатган экан.

– Регистон ансамбли Самарқанд юзи саналади. Чет элдан келган ҳар бир сайёҳ ўлкамизни гид тушунчаси орқали англайди. Кузатишларимизда айрим таржимонларнинг мулоқот учун мос сўзларни танлай олмаслиги, ўз фикрларини тўлиқ ифодалай билмаслиги, нутқидаги мантиқий кетма-кетликнинг бузилиши бизни бу борада жиддий ўйлаб кўришга мажбур этди, – дейди мажмуа раҳбари Хонкул Самаров. – Шароитдан келиб чиққан ҳолда, тажрибали, етарлича билим ва касб қўниқмасига эга 12 нафар гид-таржимонни шартнома асосида ҳамкорликка таклиф этганмиз. Улар беш тилини мукаммал билишади. Мамлакатимиз тарихи, маданияти, урф-одатларини чуқур ўзлаштирган мутахассислар ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, гид-таржимонлар фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, уларнинг касбий малакасини ошириш ва доимий штат бирликларини жорий этиш зарурати яққол сезилмоқда. Чунки сайёҳлик оқими ортаётган бир шароитда малакали гидлар нафақат тарих ҳақида ҳаққоний маълумот беради, балки мамлакат имижига ҳам бевосита таъсир кўрсатишини унутмаслигимиз керак.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Нуктаи назар

САВДО ҲИЙЛАСИГА АЙЛАНАЁТГАН СОҲТА ЧАҚИРИҚЛАР

Яқинда бир танишим ёзғириб қолди. Айтишича, ижтимоий тармоқлардаги рекламаларга ишониб, арзон телевизор сотиб олиш учун маиший техникалар дўконига борибди. Аммо рекламада кўрган маҳсулотни йўқ экан. Сотувчиларнинг қистови билан икки баравар қимматига бошқа русумдаги телевизорни харид қилибди. Афсус, роса мақталган ойнаи жаҳон тез орада бузилиб қолибди. Қайтариб олиб борса, сотувчилар «Кафолатни биз эмас, ишлаб чиқарган фирма берган. Сиз сервис хизматига мурожаат қилинг», деб қайтариб юборишибди. Хуллас, дўстим рекламага ишониб, чув тушибди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хусусий секторга катта имкониятлар берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Янги савдо мажмуалари қурилди, онлайн дўконлар кўпайди, ижтимоий тармоқлар эса тадбиркор учун бепул бозорга айланди. Бу – иқтисодий фаоллик ортаётганидан, аҳолида танлов имконияти кенгайиб, рақобат муҳити шаклланаётганидан далолатдир.

Бироқ бозор муносабатлари фақат дўконлар сони ёки савдо ҳажми билан эмас, ишонч билан ривожланади. Ишонч йўқолган жойда эса иқтисодий муҳит ташки томондан жонли кўринса-да, ички барқарорлик заифлашади. Айниқса, кейинги пайтларда кент тарқалаётган чалгитувчи эълонлар ана шу ишончга раҳна солаётган асосий иллатлардан бирига айланмоқда.

Бугун интернет саҳифаларини кузатсангиз, «Энг арзон нарх», «Фақат бугун», «Омбор тозалаш», «Айрим баҳосинга» каби қақирқиқлар деярли ҳар қадамда учрайди. Қўп ҳолатларда рекламада жозибали маҳсулот намойиш қилинади, нархи эса бозордагидан анча арзон бўлади. Табиийки, харидор унга қизиқади, вақт ва маблағ сарфлаб савдо нуктасига боради. Лекин манзилдан рекламадаги буюмни тополмайди. Сотувчи эса «Ҳозиргина тугаб қолди», «Эрталаб олиб кетишди» каби баҳоналарни келтиради. Кейин қимматроқ товарни таклиф қилади.

Сиртдан қараганда, бу оддий маркетинг усулидек туюлиши мумкин, аслида эса истеъмол-

чини манипуляция қилишнинг яширин шакли. Чунки мақсад арзон маҳсулотни сотиш эмас, балки одамни дўконга қақирқиш орқали уни бошқа харидга ундаш бўлади. Энг ачинарлиси, айрим тадбиркорлар буни «савдо ҳийласи» сифатида қабул қила бошлади. Ваҳоланки, қисқа муддатли манфаат ортидан қувиш узоқ истиқболда бутун бозорга зарар келтиради. Сабаби, иқтисодиётда энг муҳим капитал – бу ишонч. Мижоз бир марта алданганини ҳис қилса, кейин нафақат ўша дўконга, балки бошқа савдо нукталарига ҳам шубҳа билан қарай бошлайди. Оқибатда ҳалол ишлаётган тадбиркор ҳам бундан жабр кўради.

Ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташласак, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки харидор ўзини ҳимояланган деб ҳис қилган жамиятда ички бозор фаол бўлади. Одамлар сармоя киритишдан, савдо қилишдан ёки хизмат кўрсатишдан қўрқмайди. Қонун устуворлиги мавжуд муҳит эса соғлом рақобатни юзага келтиради.

Бизда ҳам «Реклама тўғрисида»ги қонун бор. Унда ёлгон, ноаниқ ва чалгитувчи ахборотларни тарқатиш тақиқланган. Маъмурий жавобгарлик чоралари ҳам белгиланган. Бироқ муаммо қонуннинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан эмас, унинг амалда қандай ишлаётганида. Қўпинча фуқаро ўз ҳуқуқини билмайди ёки шикоят қилишдан наф қўрмаслигига ишонади. Қўпинча фуқаро ўз ҳуқуқини билмайди ёки шикоят қилишдан наф қўрмаслигига ишонади. Қўпинча фуқаро ўз ҳуқуқини билмайди ёки шикоят қилишдан наф қўрмаслигига ишонади. Қўпинча фуқаро ўз ҳуқуқини билмайди ёки шикоят қилишдан наф қўрмаслигига ишонади.

Масалани, харидор унга қизиқади, вақт ва маблағ сарфлаб савдо нуктасига боради. Лекин манзилдан рекламадаги буюмни тополмайди. Сотувчи эса «Ҳозиргина тугаб қолди», «Эрталаб олиб кетишди» каби баҳоналарни келтиради. Кейин қимматроқ товарни таклиф қилади.

Сиртдан қараганда, бу оддий маркетинг усулидек туюлиши мумкин, аслида эса истеъмол-

лантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

«Tashkent Cyberlex – 2026» форуми нафақат илмий мулоқот майдони, балки Ўзбекистоннинг рақамли давлат қуриш йўлидаги сиёсий ва ҳуқуқий қарашларини намоён этувчи муҳим платформага айланди. Форумда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ИНТЕРПОЛ, Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ), Европа кибертаълим тармоғи (ЕСТЕГ) ҳамда бошқа нуфузли халқаро институтлар экспертларининг иштирок этгани унинг халқаро нуфузини янада оширди.

– Форум мамлакатимизда илк бор ташкил этилди ва бугунги рақамли трансформация даврида ниҳоятда долзарб масалаларни кун тартибига олиб чиқди, – дейди Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бўлим бошлиғи Санобар Мансурова. – Технологиялар, айниқса, сунъий интеллект шиддат билан ривожланаётган бир пайтда инсон ҳуқуқлари ҳамда хавфсизлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу жиҳатдан форум нафақат академик доиралар, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд тизими, халқаро ташкилотлар ҳамда рақамли технологиялар соҳаси вакилларини ягона платформада бирлаштирди.

Рақамли технологиялар ҳаётимизга қанчалик чуқур кириб бораётган бўлса, уларни ҳуқуқий тартибга солиш ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам шунчалик долзарб аҳамият касб этмоқда. «Tashkent Cyberlex – 2026» форуми ушбу мураккаб муаммоларга ечим излаш, халқаро тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистоннинг рақамли хавфсизлик сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



АЗАМАТ

Эссе

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎТГАН ҲАФТА ИМЗОЛАГАН ФАРМОНГА МУВОФИҚ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИГА ЛОЙИҚ КЎРИЛДИЛАР. ЖУМЛАДАН, УРГАНЧ МАҚОМ САНЪАТИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ДИРЕКТОРИ, ХОНАНДА АЗАМАТ ОТАЖОНОВ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Хоразмда «От осмондан тушади», деган гап бор. Азамат Отажонов тўғрисида ёзишга чоғланганимда шу нақл ёдимга тушди. Азамат билан анчадан буён гурунглашамиз. У билан суҳбатлашиш ҳам мароқли, ҳам қийин. Сабаби кутилмаганда, бир қарашда жуда оддий, ҳаммага тушунарли бўлган нарсалар ҳақида сўраб қолади. Жўн кўринган саволга жўн жавоб бера бошласангиз, у ҳеч қандай жўн эмаслигига амин бўласиз. Масалага жўн деб қараб, янглишганингизни, бу бесандлик туфайли масаланинг туб моҳиятини эътибордан четда қолдирганингизни ва Азамат нега айнан ушбу масалага қизиқётганини англай бошлайсиз. Пировардида у айрича тафаккур эгаси эканлигига яна бир бор амин бўласиз. Чунки сиртдан қараганда, ҳаммага маълум нарсаларга ҳам қизиқиш, қизиқибгина қолмай, уларнинг маъзигача етиб бориш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу алоҳида, айрича ақл эгаларига хос хусусият.

Дарҳақиқат, Азаматнинг ўзини қибгорларча тутиши-ю муомаласи, мавзу ва суҳбатдошига бироз беписандликка менгзаб кетадиган гурунглари ҳам ясама эмас, балки савқи табиийсидан келиб чиқаётгани сезилиб туради.

Теварак-атрофда содир бўлаётган ҳар бир воқеликка, айниқса, гап ҳақ ва ноҳақликка доир бўлса, Азаматнинг муносабати яланғоч асаб толасига чўғ тегиб кетган пайтдагидай кескин бўлади. Бошқача айтганда, Азамат бефарқ эмас. Ҳар қандай воқеа-ҳодисага ўз қарашини ва нуқтаи назарини бор. Билим доираси кенг. Қайси соҳа ва мавзуда гаплашмасин, ўзини эркин тутати.

Мен у барча жабҳаларнинг билимдонини, ҳар қандай соҳанинг нозик нуқталаригача тушунади, дейишдан бироқман. Аммо умрида бир марта бўлсин, дуч келган мавзуларига доир ҳар бир детални яхши эслаб қолади. Турли соҳаларга оид билимга интилиш унга, ҳозирги тил билан айтганда, мотивация бериб туради, хоразмчасига таърифлаганда, суҳбат дамини ҳеч совитмай «босиб бораверади». Бироқ бу «босиб боришдаги» куроли калтабинларга хос кибр ёки билимсизларники каби кўполик эмас, балки йиллар давомида уни алдамаган қувваи ҳофизасидир. Бирор мавзунинг қай жойида билими кемтиклигини сезса ёки сезилиб қолса, у кучли қувваи ҳофизаси билан бу кемтикни йўл-йўлакай тўлдириб кетаверади. Ва айтиш керакки, ямалган фикрнинг кавшарланган ерларида ямоқ изи сезилмайди.

Азамат Хоразм мақом санъатининг назарий ва амалий билимдонини, моҳир ижрочисига айлишни йўлидаги изланишлари давомида ёндош билимларини ҳам пухта ўзлаштирди. Аввало, мумтоз адабиётимиз дарғаларини ҳазрат Алишер Навоий, Отаҳий, Феруз ва у асос солган адабиёт, тарихчи ва санъаткорлар ўтиришмаси, ўша даврдаги ҳар бир иқтидор эгаси ҳамда бошқа буюкларнинг ҳаёти, ижоди ва шахсияти, улар яшаган даврдаги ижтимоий ҳаёт ва маданият, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон каби замонавий ўзбек шоир-ёзувчилари ва издошларидан, айниқса, воҳа фахри Матназар Абдулҳакимдан катта сабоқ олди. Шунингдек, инсониятнинг умумий тарихи ва фалсафаси, Хоразм ўтмиши ва маданияти, цивилизацияни таъминлаган улкан шахслар, уларнинг кашфиёт-ишқиролари моҳияти, Шарқ ва Ғарб фалсафаси, умумийнинг, чунончи, исломий тушунча ва қарашлар, авлиё ва анбиёлар ҳаёти, математика, астрономия, хунармандчилик, замонавий технологияларга доир маълумотларга эгаллиги боис, ҳали айтганимиздек, сезилган кемтикларини усталик ва маҳорат билан тутун ёки из қолдирмай кавшарлаб кетаверади.

Азамат Отажоновнинг фикрлашида кескинлик ва феълида бироз асабийлик бор. Бунинг сабаби ҳамма нарсани ҳар доим ва ҳамisha тўғри кўриш истагидир. Масалан, ҳаётдаги, ўзаро муомала ва санъатдаги ясамалик ва сунъийлик унинг энсасини кўпроқ қотиради. У ҳамма соҳада ва доимо самимият тарафдори, ўзи ҳам шу қоидага амал қилишга интилади.

Тўғри, Азаматнинг бу феъли ҳамisha ҳам унга олқиш олиб келавермайди. Ширин ёлгонлар ва меҳнатсиз осон қозонилган кўпик обрўга кўникканлар ва уларнинг изидан юрувчилар учун Азаматнинг фикрлари ёқасидан кўйлагини ичига ташлаб юборилган лаҳча чўғдай уларнинг баданларини жижиллатиб, эътининг исини чиқариб қуйдиради. Табиийки, ичига чўғ тушганлар Азаматнинг фикрларига ҳам, ўзига ҳам қабристонда занжирлаб кўйилган жиннини савалаб даволаётган мулланнинг қамчисига қарагандай қаради.

Азамат зиёли, ўзини билган кишилар каби ёмғирдан кейинги замариқдай потраб чиқаётган санъат соҳасидаги «юлдуз» ва «юлдуз-

ча»ларга муносабати бўлакча: «Яхши, сен шундай зўр экансан, ўз кўкрагингга ўзинг «юлдуз» тақиб кўймасдан олдин «ўлдирган қурбақангни» кўрсат!» дейди у. «Йўқ, кўрсата олмайдилар. Чунки улар «ўлдирган қурбақа»ларнинг ўзи йўқ. Булар тирик қурбақаларни ўлдириш нарида турсин, уларнинг қуруқ тарақа-туруқидан ўлик қурбақалар ҳам тирилиб қочади!»

Санъат, унинг миллат тарихидаги ва бутунгунги ўрни ҳақида фикр юритар экан, Азамат учун танқиддан ташқари мавзу ёки инсон, айниқса, «тил теккизишга табу қўйилган» санъаткор йўқ. Унинг қиличдай кескир мулоҳазалари-ю, аёвсиз танқидларидан номи етти иқлимга мажбурлаб тарқатилаётган «аҳо санъаткорлар»дан тортиб, бу майдонда энди-энди тетапо бўлаётган «юлдузча»лар ҳам четда эмас. Бундай кескин, адолатли муносабатга сабаб ва унга замин Азаматнинг чўнг бир санъат оламида туғилиб ўсиб, вояга етганидир. Ҳали ўзи ҳам санъат нима, санъаткор ким деган саволлар ҳақида мулоҳаза юритиш ёшига етмасдан бурун Азаматнинг онг-шуурига бу саволларга жавоблар нафақат Хоразмнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг таниқли санъаткори, машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг чин шогирди, у «ўғлим» деган Бекчон Отажонов оиласида туғилгани, бу хонадондаги хос муҳит, унда бутун Ўзбекистоннинг таниқли ҳофизлари иштирокидаги санъат, мусиқа, тарих ва миллий қадриятлар ҳақида тонготар гурунглар, айниқса, соф санъат баҳси – «диъралишима» (унда икки санъаткор маълум бир йўналишда қуйлаб, бир-бири билан баҳшлашиди), хоразмча аския – «жувоб (жавоб) уришмалар» воситасида муҳрланганидир.

Дарвоқе, Бекчон оганинг ичақузди «жувоб»лари ҳали-хануз эл оғзида афсона. Азамат ҳам бу истеъдоддан бенасиб эмас. Ҳамкасблари-ю шогирдларининг эътирофига ва ўзимиз кўп бор гувоҳ бўлганимиздай, Азаматнинг «жувоблари» ҳамisha нишонининг ўнлигига тегиб, мазмунини ва моҳиятини билан салмоқдор маъно кашф этади.

Дарвоқе, Азамат дунёга келган илк лаҳзалардан бошлаб соф санъат ҳавосидан нафас олди. Шу муҳит таъсирида ўсиб-ўлгайиб, вояга етди, қўлига тор олди. Энг муҳими, бу муҳит унинг қўлига санъатнинг биллур тарозиси ва соф олмос ёмбисидан бўлган ўлчаов тошини ҳам тутқаэди. Бу тарозини Азамат падаври бузуқворини Бекчон Отажоновнинг, Бекчон Отажонов эса турк дунёсининг бетакдор ҳофизини Комилжон Отаниёзовнинг қўлидан олган. Бу тошу тарози ҳеч қачон алдамаган, ёлгонни суймаган ва хилтини хилт, олтинни олтин деган. Ҳеч кимнинг ҳақиқа хийбат қилмаган, таниш-билишчиликни, ошна-оғайнингарчиликни тан олмаган, мезонлари шароитга қараб ўзгармаган.

– Азамат Азамат бўлиб осмону фалакларда учиб юрган ўтган асрнинг 90-йилларида у ҳақида кўрсатув тайёрлайдиган бўлдиқ, – дейди хоразмлик тележурналист Қахрамон Собуров. – Неча-неча мухлислардан Азамат тўғрисида қувончу хаяжонларга тўла интервьюлар олдиқ. Уйига келиб ўзи билан суҳбатлашдиқ. Бекчон огадан ҳам бир-икки оғиз илқ гап ёзиб олиш илжинида ёнига кириб, Азаматнинг ижоди ҳақида сўрадиқ. «Айй, бўлади-и», деди Бекчон ога энсасини тиритиброқ. Албатта, эътирофдан кўра эътирозга ўхшаш бу гапдан биз фойдалана олмасдиқ, чунки у кўрсатувдан кўзалган мақсадга умуман мос келмасди. Шунинг учун Бекчон огани «йўлга солишга» уриниб кўрдик. «Ай, менга қаранглар, – деди у. – Бу бола ҳали шу – чумчункинг чундиқиндийгина нарсаси билан мақтаниб бошлаган бўлса, ҳали бунини сеча тутнинг соясидан ҳам ҳайдайдилар».

Бу хонадондаги сулола аъзолари ушлаган тошу тарозу ана шундай аниқ, адолатли ишлаган ва ишламоқда. Ким бўлишидан қатъи назар, баҳо беришда ҳақдан бир мисқол ҳам чекинмаган ва чекинмаётир. Ана шу шафқатсиз талаб ва санъатнинг ўлмас ва ўзгармас қоидалари асосида тарбияланган Азамат ҳам санъат ҳақида мулоҳаза юритадими, катта-ю кичик иқтидорларга баҳо берадими, қўлида отамерос одил тарози мавжудлигини сезамиз.

Азамат учун санъатда бир намуна, бир ўлчов бор: Комилжон Отаниёзов! Нима ҳақда фикр билдирмасин, ким ҳақида гапирмасин, Комилжон Отаниёзов шахсига мурожаат қилади ва буюқ ҳофиз турган юксакликда туриб мулоҳаза юритишга уринади.

Азаматни миллатни миллат шаклида туттиб турадиган ўзақ устунларидан бири – мусиқа санъати, хусусан, мақом, Хоразм мақомларининг бутунгунги ҳолати, уни бизга мерос қолдирган буюқ ҳофизларимиз Ҳожихон ва Нурмамат Болтаев, Мадрахим Шерозий, Комилжон Отаниёзов, Рўздат Жуманиёзовларнинг бетакдор ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, умуман, бутунгунги ўзбек мусиқа санъатининг аҳоли кўп ташвишга солади. «Ёшларимизнинг кулоқлари тобора енгил-елпи, бетайин ва мантиқсиз оҳангларга ўрганиб бораётир. Бу нафақат мусиқа ёки мақомларнинг, балки миллатимизни, миллий-лигимизни таназзулга олиб борадиган йўлдир», деб хавотирланади. Сўнгра «Шукурки, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси би-

Ўйларинг сўзларингга, сўзларинг феълингга, феълинг тақдирингга нуқс этади. Гўзал ўйла, гўзал яша.

Жалолиддин Румий

лан Ўзбекистонда миллий қадриятларимиз, хусусан, мақом санъатига эътибор кучайди. Жойларда мақом мактаблари ташқил этилди. Эндиги вазифамиз бу олтин меросни келажак авлодларга бус-бутун, бутун таровати ва маҳобати билан етказиб беришдан иборатдир», деб қўшиб қўяди.

Азамат бир неча йиллардан бери Хоразм мақом мактабига раҳбарлик қилади. Унга ўқувчилар ва ўқитувчи-устозлар танлашда ҳам биз билган ва қадрлаган мезонлар асосида талабчанлик билан ёндошади. Бу ишда ҳам, ижод ва ўқувчилар кўрсатаётган натижаларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда ёки халқаро миқёсда мақом йўналишида ўтказилган танлов ёки кўриқларнинг барчасида Азамат Отажонов раҳбарлигидаги мактаб йигит-қизлари қолиблар ёки совриндорлар сафидан ўрин олишяпти.

Яқинда улар Сеогоҳ туркумидаги ашулалардан иборат концерт дастурини мақом шинавандаларини эътиборига тақдим этидилар. Тўғриси, бу концерт ҳақидаги эълонни эшитиб, Отаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрига борар эканман, тобора тезлашаётган, компьютерлашётган, сунъий интелекту ҳар хил дастурлар ижтимоий ҳаётимиз ва маънавий маъволаримизни тўлдирётган ҳозирги замонда мақом тинглашга қанча киши келар экан, деган савол мени анча безовта қилганди. Аммо театр автогуруҳгоҳи машиналар билан тирбандлигини, томошагоҳга одамлар гурос-гурос оқиб келётганини кўриб, бирдан рўҳим енгил тортиди. Кишиларнинг гап-сўзлари ва кайфиятидан томошани кўпдан буён интиқлиқ ила қутишганига амин бўлдим. Энг муҳими, концерт бошланишига ҳали анча вақт борлигига қарамай, зал томошабинига лиқ тўла эди. Кўпчилик болалари ва наваралари билан бирга келганди. Бу халқимиз қалбида мумтоз мусиқамизга, хусусан, мақомларимизга қизиқиш ҳали сўнмаганини, бу анъана боболардан оталарга, оталардан фарзандларга ўтиб, эртанги кунимиз, миллий идентитетимиз бутунгунги олатасир замонда ҳам сақланиб қолаётганидан далолат берарди.

Ёнимда ўтирган қирқ ёшлардаги кўзойнакли киши ёшгина қизалоққа бошқаларнинг эътиборини тортмаслик учун шивирлабгина тушунтирар эди:

– Хоразм сегоҳи ўн йўлдан ташқил топади. Улар Танимақоми сегоҳ, Таронаи сегоҳ, Сувайрай сегоҳ, Муқаддимаи сегоҳ, Талқини сегоҳ, Насри Ҳижоз муқаддимаи сегоҳ, Наврўзи хоро, Нақши сегоҳ, Насри Ажам, Уфори сегоҳ...

Бу гапни эшитиб, Азамат Отажонов билан бўлган гурунгимиз ёдимга тушди.

– Янглишмасам, 2021 йил эди. Пойтахтдаги мақом маркази ҳодимлари, соҳадаги Ўзбекистоннинг энг етуқ мутахассислари Хоразм мақом марказига ташриф буюрдилар, – деган эди ўшанда Азамат Отажонов. – Даврага жам бўлган санъаткорлар Хоразм мақомлари, уларнинг тарихи, ижро йўллари ва бутунгунги қандай қандай айтилиши ҳақида фикр алмаша бошладик. Мақом мураккаб соҳа бўлгани учун гурунғларимиз баҳслар, мунозаралар шаклида кечди. Шу асно бизга 1954 йилда Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаев, Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов томонидан имзоланган бир хужжат кўрсатилди. Унда Хоразм мақомларининг номланиши, ҳар бирининг ва ҳар бир мақом ичидаги ашулаларнинг жойлашиш тартибни аниқ ёзиб қўйилганди. Бироқ Сеогоҳ уфориси ўрнига Садрини Ғўсфанд битилган экан. Садрини Ғўсфанд асли дутор мақомига тааллуқли эканлигини мутахассислар яхши билишди. Шунинг учун ушбу анжуман қатнашчилари Садрини Ғўсфандини Сеогоҳнинг уфорисини ўрнида турган еридан олиб Дутор мақомига кўшишга келишдилар. Ҳар нарсанинг ўз ўрнида тургани яхши, албатта, аммо Хоразм мақомларининг бешинчиси – Сеогоҳ уфорисининг ўрни очик қолгани чатоқ бўлди. Натижада «Энди нима қиламиз?» деган савол юзага қалқиб чиқди. Шунда мен «Сеогоҳ уфорисини ёзсақ, қандай бўларкин?» деб сўрадим. Анжуман қатнашчилари «Қанийди, бунинг илоҳи бўлса?» дейишди. «Унда мен бир уриниб кўраман», дедим. Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Менинг қулоғимга эса куй очик кела бошлади... Худо қўйлаб, эртаси кунги мажлисга тайёр Сеогоҳ уфориси билан келдим. Мутахассисларга чалиб ва қуйлаб кўрсатдим. Янги яратилган Сеогоҳ уфориси ҳаммага маъқул бўлди. Дарҳол Хоразм мақом маркази хонандаларини томонидан ижро этилиб, нотага олинди.

Яна ҳаёлимиз театрининг муташтан залига қайтади. Одатда биз мақом деганда, бошни вазмингунга қўйи солиб, оғир қуй ва шунга нонанд сўзларни тинглаб, уларнинг маъзини чақаётган кишиларни кўз ўнгимизга келтирамиз. Аммо бу ерда жам бўлган мақом ихлосмандларининг турғайли кишини хайрон қолдиради. Улар орасида, юқорида таъкидланганидай, мумтоз мақом ихлосмандлари бўлган ёши улуглар билан бир қаторда, башанг кийинган ўспирин ўғил-қизлар, бўй етган йигитлар ва энг асосийи энди-энди тетапо бўлаётган болажонлар ҳам борлигини кўриб, қўнғилимиз ёришади. Чунки ўсиб келётган авлодининг танғайли мақом билан кўтарилиб, минг йиллик қадриятлар асосида тарбияланар экан, миллатнинг, Ватанимизнинг эртанги кунидан хавотирланмасак ҳам бўлади.

Шухрат МАТКАРИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Халқаро анжуман

МАҲАЛЛА ВА КАМПУНГ ИНСТИТУТЛАРИ

**икки давлат
тажрибаси бир
майдонда**

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида «Ўзбекистон – Индонезия тажриба алмашинув дастури: Ўзбекистондаги маҳалла ва Индонезиядаги кампунг институтларининг ижтимоий ҳамоҳанглиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир икки давлат ўртасидаги маданият, илмий ҳамда туризм соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ва Индонезиянинг миллий қуй-қўшиқлари билан тантанали кутуб олинди. Шунингдек, тадбир давомида ҳар икки халқнинг бой маданияти, урф-одатлари ва миллий қадриятларини ақс эттирувчи тақдирот ўтказилди.

– Семинардан кўзланган мақсад икки давлатнинг дўстона муносабатларини янада яхшилаш, маҳалла таъминоти ўзаро тақомиллаштириш, тажриба алмашишдан иборатдир, – деди Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг проректори Илҳомжон Исроилов. – Тадбирнинг асосий қисмида «Ўзбекистон ва Индонезияда ижтимоий уйеушлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашда маданиятларро диний саводхонликнинг аҳамияти», «Тошкент маҳаллалари ва Индонезия қишлоқларида баърикенглик ҳамда ижтимоий ҳимоятлашнинг таъминлаш борасидаги тажрибалар» каби долзарб мавзулар муҳокама қилинди. Мутахассислар, олимлар ва тадқиқотчилар томонидан икки мамлакат тажрибаси асосида фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар билдирилди. Шу жараёнда юртимиздаги маҳалла институтлари ва Индонезиядаги кампунлар бир-бирига ўхшаш экани таъкидланди.

Семинар якунида Сунаи Калижага давлат ислом университети ҳамда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясини ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. У икки томонлама илмий ва академик алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

**Диёрбек
ЗИЁДУЛЛАЕВ**

**Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!**

Шу йилнинг 11 апрель кунини Урганч мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан Урганч шаҳрида «Мақом оқшоми» ташқил этилди. Ўзбек мумтоз санъатининг Хоразм мақомчилиги мактаби ютуқларини ўзида яққол намоён этган бетакдор санъат кечасини ТTV телеканали видео тасмасига муҳолаб қўйган.

**Телеканал
розалигин билан
ушбу кечанинг
смазгин
эътиборингизга
қавола этилганина:**

**MUASSIS:**

**2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.**



**«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:**

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSEYANOV (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflari fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDULLAJILOV

Boshlaga topshirilish vaqti – 23:00
Toshilishi – 23:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashitirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 220 ta**Shundan: 6 555 nusxasi**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**19 464 nusxasi**

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**9 201 nusxasi**

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-611

1 2 3 4 5 6